

Хушхабар: Ўзбекистон фуқаролари учун Саудия Арабистонига электрон виза олиш имконияти пайдо бўлди



15:20 / 07.08.2023 2585

Энди ўзбекистонликлар 146 доллар эвазига Қироллик туризм вазирлигининг махсус портали орқали онлайн виза олиши мумкин. Бу ҳақда visa.visitsaudi.com манбаси хабар берди.

Ушбу виза билан йил давомида Умра қилиш ҳамда мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш мумкин.

Электрон виза Ҳаж қилиш, Саудия Арабистонида яшаш, ишлаш ҳуқуқини бермайди.

Саудия Арабистони eVisa'си бир йиллик, кўп марталик кириш визаси бўлиб, сайёҳларга мамлакатда 90 кунгача бўлиш имконини беради. Электрон виза

муддати тугагач, уни янги муддатга расмийлаштириш мумкин.